

ШЕРОБОДДА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ КУБОГИ УЧУН ВОЛЕЙБОЛ МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛДИ



Унда Ангор, Бойсун, Термиз шаҳри ва Шеробод туманининг 16-30 ёш тоифасидаги ёшларидан таркиб топган жамоалари ўзаро беллашишди. Қизғин ва муросасиз кечган мусобақаларда ҳар бир жамоа ғалаба учун астойдил курашди ва натижаларга кўра, 1-ўрин Шеробод тумани жамоасига, 2-ўрин Термиз шаҳри жамоасига, 3-ўрин эса Бойсун тумани жамоасига насиб этди. Ғолиб ва совриндорлар вилоят ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси, туман ҳокимлиги, туман ИИБ, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими томонидан тақдирланди.